

Танишларимиз ёки ҳамкасблар билан кўришиб қолсак хонадон, маҳалла-кўй тинчми, деб сўрашамиз. Чунки оила хотиржам, маҳалла тинч бўлса, юрт осойишта бўлади-да... Аммо хонадон остонасидан «ҳатлаган» гап ёки бирор муаммо борки, тинчлик-хотиржамлик, яхшилик аломати эмас. Бунинг билганимиз боис Тошкент шаҳар ИИББ Чилонзор тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ бошлиғи, майор Миркомил Ҳафизов билан суҳбат жараёнида унинг «Нафосат» МФЙда сўнгги ойлarda юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги гаплари эътиборимизни тортди.



ЭЗГУ ИШЛАР ЭЪТИРОФГА ЙЎЛ ОЧАР

— Эришаётган ютуқларимизда мазкур маҳалланинг профилактика инспекторларидан бири капитан Ҳасан Қодировнинг алоҳида ўрни бор, — дея изоҳ берди майор М. Ҳафизов. — У маҳаллада юзага келган ҳар бир масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, асосли ечим топишга ҳаракат қилади. Сўнгги олти ой

мобайнида маҳалладаги вақтинча ишсиз 27 нафар фуқаронинг 23 нафарини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишга жойлаштирди. Маъмурий амалиёт йўналиши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўн уч тоифа бўйича фуқаролар рўйхатини шакллантириб, бу борада ҳудудда

мунтазам профилактик тадбирлар олиб бормоқда.

Ижобий ўзгариш, яхши натижа, бир сўз билан айтганда, бу астойдил меҳнат дегани. Капитан Ҳасан Қодировга бир кун ҳамроҳ бўлиш учун унинг хизмат хонаси томон йўл олдик. Бунинг қарангки, у юртимизда коронавирус пандемияси сабаб жорий этилган карантиннинг

юмшатилаётганлигини ўзича «тушуниб», эрта-лабдан ниқобсиз кўча кезган уч ўспириннинг қоидабузарлик ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, Тошкент шаҳар ДСЭНБ Чилонзор тумани филиалига қонуний чора кўриш учун юбораётгани устидан чиқдик.

Сўнгра 8-мавзе 23-уй 48-хонадонда яшовчи Л.П. ва унинг хотини Е.М.нинг ичкилик таъсирида бақир-чақир қилиб, кўни-кўшнилар тинчини бузгани ҳақидаги ариза бўйича 1-сонли ИИБ ХПБ профилактика катта инспектори, майор Р. Адизов, профилактика инспектори, катта лейтенант Х. Қодиров ҳамроҳлигида кўрсатилган манзилга қараб йўл олдик.

— Л.П. ўзи яхши бўёқчи, яқинда мавзедан иш топиб бергандим, — деди йўл-йўлақай ўзаро суҳбат чоғида Х. Қодиров. — Таъмирлаш ишларини тугатиб, иш ҳақини олгану, яна «байрам» қилган кўринади.

— Бундан бир ой аввал ҳам уйига бегона шахсларни тўплаб, туғилган кунини нишонлаб, карантин қоидаларини бузганлиги учун 15 сутка «ўтириб чиққанди», — дея суҳбатга қўшилди майор Р. Адизов.

Манзилда гувоҳ бўлганларимиз, сўраб-суриш-

тиришлар Х. Қодировнинг тахминини исботлади. Воқеа жойидаги вазиятдан келиб чиқиб, холислар иштирокида керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ичкилик таъсирида хурмача қилиқлари ҳаддан ошган Л.П. ва Е.М. ички ишлар органлари таянч пунктига боришни хоҳламай, қаршилик қилгани боис, ППХ бригадаси ҳамда Миллий гвардия ходимлари ёрдамида олиб келинди. Ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриб чиқиш учун туман маъмурий судига юборилди.

Шу пайт 8-мавзе 5-уйда истиқомат қилувчи У. исмли шахс ўғли эшик кўнғироғига жавоб бермаётганидан хавотирланиб, профилактика инспекторига сим қоқди. Инспектор вақт йўқотмаслик пайида ширкатнинг тех-

ник ходимини олиб, воқеа жойига зудлик билан етиб борган. Эшик кулфи бузилиб ичкарига кирилганда, бола қаттиқ уйқуда бўлиб, эшик кўнғироғини ҳам, отасининг тақиллатганини ҳам эшитмагани ойдинлашган.

Орадан кўп ўтмай «Нафосат» МФЙ раиси Шоназар Одамбоев келиб қолди. Юз-кўзидан безовталиги сезилиб турган раис қисқагина саломалиқдан сўнг, йўлакдаги ўриндиққа омонатгина ўтираркан, инспекторга юзланиб:

— Икки кўшни ўртасидаги тушунмовчилик юзасидан навбатчилик қисмига тушган ариза бўйича шу муаммони икковимиз ҳал этишимиз керак, — деди.

Шу тахлитда 8-мавзе 56-уй 4-хонадонга қараб йўл олдик. Манзилга етиб бориб, даставвал, ши-



коятчининг сўзларини тингладик. У кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшар экан. Биринчи қаватдаги қўшнисининг болалари югуриб, шовқин қилаётганлигидан норозилигини билдирди. Юқори қаватдаги қўшни болаларнинг тўполони бездирган вазиятга кўп дуч келганмиз-у, аммо пастдан?.. Шундай ўйлар билан мурожаатга сабабчи бўлган хонадон эшигини қокдик, бироқ ҳеч ким очмади. **Қўшни хонадон соҳибларидан суриштирилганда, уларнинг ярим ойдан буён уйда эмаслиги ойдинлашди. Бунга ён қўшнилар тасдиқлашиб, тушунтириш хати ёзиб беришди. Жуда ажабланарли ҳолат: шикоят бўлса-ю, сабабчи топилмаса...**

Навбатчилик қисмида ушбу аризада қайд этилган маълумотлар

тасдиқланмагани ва ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлиги инobatга олиниб, маъмурий иш қўзғатиш рад этилди. Аммо бизни фуқаролар томонидан бундай асоссиз чақирув ва мурожаатлар келиб тушиши ўйлантирди. Чунки бундай ҳолатлар профилактика инспекторининг шундоқ ҳам тиғиз вақтини ўғирлайди. Қолаверса, айнан профилактика инспектори мақсадсиз ариза бўйича банд бўлганида, бошқа бир жойда қўнғилсизлик, айниқса, жиноятнинг содир бўлмаслигига кафолат йўқ.

Хуллас, харитани инспекторнинг фаолият жараёнини намоён этувчи кўзгу, десак муболаға бўлмас.

Таянч пункитига қайтгач, «Сиз қачон оила даврасида бўласиз?», деган саволимизга капитан

Х. Қодиров жавоб беришга энди оғиз жуфтлаган эди ҳамки, карантин қоидаларига зид равишда савдо-сотиқ амалга оширилаётгани билан боғлиқ хабарга кўра, дарҳол воқеа жойига боришга шошилди.

Эндигина йигирма олти баҳорни қаршилаган, аммо машаққати ортик, шарафи улў вазифани зиммасига олган бу шижоатли йигитнинг ўзи ва оиласи ҳақида берилган саволларимиз жавобсиз қоладиган бўлди-да, дея унинг шахсий маълумотномасига кўз югуртирар эканмиз, отаси нафақадаги майор Қодир Пўлатов Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБда турли лавозимларда узоқ йиллар хизмат қилганини билдик. Ҳа, капитан Х. Қодировга юрт тинчлиги, эл осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида туну кун садоқат ва фидойилик билан меҳнат қилиш отасидан юққан экан-да.

**Гулноза
ТУРҒУНБОЕВА,
ўз мухбиримиз.**

